СПОРТ

# Халқаро мусобақа тугади

«Юнусобод» спорт мажмуида эркин ва юнонча-римча кураш бўйича Ўзбекистон «Мустақиллик кубоги» учун иккинчи халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда 14 давлатдан 184 нафар полвон иштирок этди.

Дастлабки икки кун давомида қаттиқ рақобатга дош бериб, олий мукофот учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар мусобақанинг якунловчи босқичида ўзаро беллашдилар.

— Ҳозирги мусобақа иштирокчиларини мен олдин фақат телевизорда кўрган эдим, — деб эътироф этади 130 килограммлик вазн тоифасида юнонча-римча кураш ғолиби, ўзбекистонлик Шермуҳаммад Қўзиев. — Бундай йирик мусобақа мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётганидан бахтиёрман. Бу турнирнинг Катта олтин кубоги жаҳон спорти усталари учун улкан мукофотдир.

Қирғизистонлик полвон Раатбек Санатбоев ҳам ўз вазн тоифасида ғолиб бўлди.

— Ўтган йили фақат эркин кураш бўйича мусобақа ўтказилган, юнонча-римча кураш билан шуғулланганим сабабли унда иштирок эта олмаган эдим, дейди у. — Бу йилги мусобақага келиб, ўтган йили турнир қандай якунланганини, мамлакатингиз Президенти ва ҳукуматининг спорт тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини яхши билиб олдим. Ҳақиқатан ҳам, «Юнусобод» спорт мажмуи каби спорт иншоотлари билан ривожланган камдан-кам мамлакатларгина мақтана олади.







Мусобақа очилишига бағишланган тантанали маросимда республикангиз Бош вазирининг ўринбосари, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Алишер Азизхўжаев келгуси йилда Тошкентда эркин ва юнонча-римча кураш бўйича Осиё чемпионати ўтказилишини маълум қилди. Унда дунёдаги энг кучли полвонлар иштирок этади, деб ўйлайман.

Ўзбекистонлик полвонлар Дилшод Орипов, Адҳам Очилов, Сагит Катиновасов ва Георгий Кайсимов, қозоғистонлик Мзитор Манукян, грузиялик Хвича Бичинашвили билан Элдор Курталидзе, россиялик Магомед Азизов, Таймуроз Урусов ва Геннадий Лалиев, белоруссиялик Владимир Копитов ва Анатолий Федоренко ҳамда эронлик Муҳаммадали Ганжабий ҳам эркин ва юнонча-римча кураш бўйича мусобақа ғолиби бўлди.

Норасмий команда биринчилигида бешта олтин, олтита кумуш ва еттита бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон командаси ғолиб бўлди.

— Полвонлик анъаналари билан машҳур бўлган Ўзбекистонда яшовчи спортчиларнинг муваффақияти мен учун кутилмаган воқеа эмас, — деди мусобақа тугаганидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Халқаро кураш федерациясининг вакили Степан Казарян. — Мусобақа бундай юксак даражада ташкил этилганига қойил қолдим. Шубҳасиз, бу турнир бешта кучли мусобақа қатори ҳақли равишда «Гран-при» тоифасига киради. Бунда мамлакатингиз Президенти, ҳукумати, Давлат спорт қўмитаси, Ўзбекистон полвонлар уюшмаси ва республика эркин кураш федерациясининг хизмати катта.

Буларнинг барчаси мамлакатингиз XXI асрни эркин ва юнонча-римча кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказиладиган давлат сифатида кутиб олишига бўлган ишончимни мустаҳкамлайди.

Ғолибларни мукофотлаш маросимида Грузиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гиви Абдушелешвили ва Эроннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳси Покойин иштирок этди.

**СУРАТЛАРДА: мусобақанинг финал босқичидан лавҳалар. М. АМИН ва А.РИСҚИЕВ олган суратлар. (ЎзА)**




## КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

*Улар бундан 11 йил муқаддам мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ўғил-қизлар эдилар. Бугун эса ўрта мактабни тугатиб, юраклари тўла орзу-умидлар билан бировлари олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи, яна бировлари касб-ҳунар ўрганмоқчи. Мақсадлари эса ягона, элюрт учун хизмат қилиш. Бу ҳақда уларнинг ўзлари — Тошкент шаҳридаги 282-ўрта мактаб битирувчилари Авиасозлар маданият саройида бўлиб ўтган сўнгги қўнғироқ тантаналарида мароқ билан сўзлашди. Қаранг, суратчи В. ПОРТНОВ расмга туширган 11-«А» синфининг бир гуруҳ йигит-қизларининг кулиб турган чеҳралари-ю нур порлаган кўзларига бир қаранг. Улар келажакка элтувчи йўллардир.*

## ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 26 майда республика ҳудудида ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Момақалдироқ пайтида шамол кучайиб, тезлиги секундига 15-20 метрга етади.

Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 19-24, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кечаси 16-21, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилояти тоғли туманларида кечаси 10-15, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 20-25, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийсидаги вилоятларда кечаси 15-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда кечаси 17-19, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

(ЎзА)

Ўқинг, қизиқ

# МИНГЛАР, МИЛЛИОНЛАР, МИЛЛИАРДЛАР...

Дунё миқёсида йилдан-йилга шаҳар аҳолисининг сони шитоб билан ўсиб бораяпти. Одамлар қишлоқдан кўра шаҳарда яшашни афзал билаётир. Бу XX аср инсоният тийнатига сингдирган «комфортга интилиш» тамойилининг ғалабасидир. 1950 йилдан 1995 йилгача дунё бўйича шаҳарда истиқомат қиладиганлар 250 фоизга, қишлоқ аҳолиси эса бор-йўғи 75 фоизга кўпайган. БМТ маълумотларида қайд этилишича, бугунги кунда жаҳон аҳлининг 45 фоизи (2,58 миллиард киши) шаҳарлик ҳисобланади. 2005 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилар экан.

Келгуси ўн йил ичида дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарда яшай бошлайди. Шунга яраша мегаполислар ҳам янада улканлашиб боради. Янги асрда Ҳиндистоннинг кино маркази — Бомбей аҳолиси жиҳатидан дунё шаҳарлари ичида 6-ўриндан 2-ўринга чиқиши мумкин. Бу пайтга бориб унинг аҳолиси 18,9 миллион кишини ташкил этади. Ҳозир эса аҳоли сони бўйича Токио дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Унинг нуфузи 26,5 миллиондан зиёд.

2010 йилга бориб дунёдаги 15 та мегаполис шаҳарлар ичида Осиё минтақасининг улуши 9 тадан 11 тага ортади. Лотин Америкасида эса аксинча - мазкур рўйхатга кирувчи шаҳарлар сони 4 тадан 2 тага камаяди.

# ТЕНДЕР ТАКЛИФНОМАСИ

*1998 йил 26 майда чиқарилган CBRU98002 - таклифнома*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

**ушбу таклифнома орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги биносидаги штаб-квартирада локал ҳисоблаш тармоғини (ЛҲТ) яратиш асосидаги ишларни амалга ошириш учун тендер (танлов савдоси)нинг очилишини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Тендер қуйидаги гуруҳлардан иборат:***

**А** гуруҳи: ЛҲТнинг фаол жиҳозлари;

**Б** гуруҳи: интеграллаштирилган кабель тизими жиҳозлари;

**В** гуруҳи: монтаж ишлари ва жиҳозларнинг дастурий таъминотини инсталляциялаш.

***1. Контрактнинг асосий шартлари:***

a) Тендер иштирокчиси ўзининг танлов таклифида учала гуруҳ бўйича интеграллашган ечимни тақдим этиши лозим. Монтаж ишларини бажариш ва жиҳозларнинг дастурий таъминотини инсталляциялаш, шунингдек, мажбуриятлар кафолатини таъминлаш учун ягона масъулият асосида битта маҳаллий фирма жалб этилиши зарур;

b) Ғолиб чиққан иштирокчи контракт имзолангунга қадар бир ойдан ошмаган муддат ичида бутун тизим ва унинг қисмлари, вазифалари ҳамда таъминотнинг зарур турлари бўйича лойиҳа ечимларини ўзида мужассамлаштирган техник лойиҳани ишлаб чиқиши ва уни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан кейинги ўринларда «ЎзРМБ» деб номланади) билан келишиши шарт;

c) **А** ва **Б** гуруҳлари бўйича тўловлар АҚШ долларида амалга оширилади;

d) **В** гуруҳи бўйича тўлов миллий валюта - сўмда амалга оширилади;

e) Жиҳозни етказиб бериш ва монтаж ишларини бажариш муддати: контракт тузилган вақтдан бошлаб уч ой давомида;

f) Жиҳоз учун тўлов жиҳоз ЎзРМБ омборхонасига келтирилганидан сўнг 15 банк иш куни ичида амалга оширилади;

g) Монтаж ишлари учун ҳақнинг 15 фоизи олдиндан тўланади, 85 фоизи эса бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан кейин тўланади;

h) Фаол жиҳозларга кафолатли хизмат кўрсатиш муддати камида беш йил. Кафолатли хизмат кўрсатиш жиҳоз ўрнатилган жойда амалга оширилиши лозим;

i) Етказилиб бериладиган барча жиҳозлар Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти сертификатига эга бўлиши шарт.

2. Иштирок этишни хоҳловчилар тендер ҳужжатлари бўйича қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи

*СНЕГОВ Владимир Михайловичдан олиши мумкин. Манзил:*
*Ўзбекистон Республикаси,*
*Тошкент шаҳри, 700001,*
*Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6,*
*Телефон: (371) 1336088*
*Факс: (371) 1526906*

3. **1998 йил 27 майдан** бошлаб тендер ҳужжатлари мажмуи қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча иштирокчилар томонидан юқорида кўрсатилган манзил бўйича талабнома юборилганидан сўнг 200 АҚШ доллари миқдорида қайтарилмайдиган воситачилик ҳақи тўланганидан кейин харид қилиниши мумкин. Ўзбекистонлик иштирокчилар (резидентлар) тўлов кунидаги Марказий банк курси бўйича сўмларда эквивалент суммани тўлаши лозим. Тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб марказидаги **29896000400000014036** ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим - МФО **00014.** Тўлов мақсади устунида «CBRU98002-сонли тендер ҳужжати учун воситачилик ҳақи» деб кўрсатилсин. Хорижий иштирокчилар (норезидентлар) учун тўловлар **DEUTSCHE BANK AG, Frankfurt Am Main, Taunusanlage 12, D-6000, Frankfurt Am Main 1. Telex: 40751-333 EB D, Fax: 41730200, SWIFT-код: DEUTDEFF № 949775100** ҳисоб рақамга ўтказилиши лозим. Воситачилик ҳақи барча банк хизматлари чегириб ташлангач, 200 долларни ташкил этади.

Пластик карточкага эга бўлган хорижий иштирокчилар воситачилик ҳақини чет эл валютасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб марказидаги **29896840900000014037** ҳисоб рақамга Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банкидаги **20802840400000001003** вакиллик ҳисоб рақами орқали ўтказиши мумкин.

Ҳужжатлар савдолар иштирокчисининг вакили томонидан шахсан юқорида кўрсатилган манзил бўйича бевосита Марказий банкдан олиниши мумкин ёки буюртма авиапочта ёхуд курьерлик хизмати орқали савдоларда иштирок этиш учун берилган талабномада кўрсатилган почта манзилига юборилади.

4. Барча танлов таклифлари бай пули 30.000 (ўттиз минг) АҚШ долларига, маҳаллий иштирокчилар учун тўлов кунидаги Марказий банкнинг курси бўйича сўмлардаги эквивалентига тенг бўлган, тендер учун таклиф этилган шаклда тўлдирилган битимлар илова қилиниши керак. Мазкур сумма, барча банк хизматлари ҳақи чегириб ташлангач, **1998 йил 8 июлгача** юқорида кўрсатилган ҳисоб рақамларнинг бирига ўтказилиши лозим. Тўлов мақсади устунида «CBRU98002-сонли тендер учун бай пули» деб кўрсатилиши керак. Танлов таклифларини беришда тасдиқловчи банк ҳужжати тақдим этилиши шарт.

5. Танлов таклифлари ёпиқ ҳолда икки нусхада тақдим этилиши керак. Биринчи нусха устига «Асл нусха», иккинчисининг устига эса «Нусха» деб ёзилиши лозим.

6. Барча танлов таклифлари Марказий банкка юқорида кўрсатилган манзил бўйича **1998 йил 10 июль** куни маҳаллий вақт билан соат **14** гача топширилиши керак. Тушган таклифлар унда қатнашишни хоҳловчи иштирокчиларнинг вакиллари иштирокида очилади.

7. Жиҳоз мураккаблиги ва уни белгиланган вақтда етказиб бериш лозимлиги туфайли тендернинг бўлажак иштирокчилари ўз таклифларини беришдан олдин тендер ҳужжатларини ўзларининг контрактни бажариш имкониятлари ва тендер ҳужжатларида кўрсатилган бошқа малака шартларига мос келиши нуқтаи назардан ўрганиб чиқишлари назарда тутилган.

8. Контракт тақдим этган иштирокчи барча тегишли экспорт қоидаларига бўйсиниши ва экспорт учун зарур бўлган лицензияни олиши керак.

9. Савдолар ҳужжатларининг учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.

689

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 019. 35059 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

© МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — Ф. Сапаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 23.35 1 2 3 4 5 6